

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
агентлигининг Метрологияни ривожлантириш ва ўлчовлар  
ягоналигини таъминлаш бошқармасининг  
НИЗОМИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг Метрологияни ривожлантириш ва ўлчашлар ягоналигини таъминлаш бошқармаси (кейинги ўринларда Метрология бошқармаси деб аталади), унинг асосий вазифалари, функциялари, хукуқлари ва мажбуриятларини, ҳисобот беришини, шунингдек бошқарма ходимларининг функционал мажбуриятларини, хукуқ ва жавобгарликларини белгилайди.

2. Метрология бошқармаси “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида “Ўзстандарт” агентлиги раҳбариятига ҳисобот беради.

3. Метрология бошқармаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига ва бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва фармойишларига, “Ўзстандарт” агентлигининг Низомига, буйруқларига ва қарорларига шунингдек, мазкур Низомга амал қиласди.

4. Метрология бошқармаси ўзига юклатилган вазифаларни бевосита ёки “Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмалари билан ўзаро алоқа қилган ҳолда амалга оширади.

5. Метрология бошқармаси, “Ўзстандарт” агентлигининг бош директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошқарма бошлиғи томонидан бошқарилади.

6. Бошқарма бошлиғи ўринбосари ва бошқарма ходимлари бошқарма бошлиғининг таклифига асосан “Ўзстандарт” агентлиги бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

**2-боб. Метрология бошқармасининг вазифа ва функциялари**

7. Қуйидагилар Метрология бошқармасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларга риоя этиш;

“Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳамда метрология соҳасидаги бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларни амалий жиҳатдан амалга оширилишини таъминлаш;

ўлчов бирликлари ягоналигини таъминлаш тизимини фаолият кўрсатилиши

ва ривожлантирилишини, шунингдек уларнинг халқаро, давлатлараро тизимлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғулаштирилишини таъминлаш;

истеъмолчилархуқуқларини нотўғри ўлчаш натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

метрология масалаларида тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси метрология хизматини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасида миллий этalon базасини ривожлантириш;

республикада метрология хизмати ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаш;

метрология фаолиятнинг барча соҳаларида “Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳарлардаги синов ва сертификатлаштириш марказлари ва юридик шахсларнинг метрологик хизматлари иш фаолиятини мувофиқлаштириш.

8. Метрология бошқармаси ўзига юклangan вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

янги қонун хужжатларини ишлаб чиқиш ва амалдаги қонун хужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

метрологияни ривожлантириш бўйича асосий йўналишларни, концепцияларни, истиқболли дастурларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг миллий этalon базасини шакллантириш ва ривожлантириш, миллий этalonларни халқаро этalonлар ва бошқа давлатларнинг миллий этalonлари билан солишиши ишларини мувофиқлаштиради;

ўлчаш воситаларини қиёслаш, турини тасдиқлаш, метрологик аттестациядан ўтказиш, синаш воситаларини метрологик аттестациядан ўтказиш, ўлчашларни бажариш методикалари метрологик экспертизадан ўтказиш, ўлчашлар ягоналигини таъминлаш бўйичанорматив хужжатларни рўйхатга олиш умумий талблари ва қоидаларини белгилайди ҳамда уларнинг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради;

метрология тизимини ривожлантириш, уни самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни киритади, метрология тизимини ривожлантириш бўйича қабул қилинган чораларни амалга оширади;

метрология соҳасида давлат реестрларини юритади;

метрология қоидаларини ишлаб чиқиша кўмаклашиш ишларини ташкил этади;

импорт бўйича четдан олиб келинаётган ўлчаш воситаларини калибрлаш сертификатларини эътироф этиш ишларини мувофиқлаштиради;

метрология соҳасида халқаро амалиётни доимий равишда ўрганади, унинг натижалари бўйича илғор амалиётларни жорий қилиш бўйича таклифлар киритади;

метрология соҳасида Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти (OIML), Шарқий Европа Муассасаларининг Халқаро Метрологик ташкилоти (СООМЕТ), Метрология бўйича илмий-техник комиссияси (НТКМетр), Путур етказмасдан текшириш (неразрушающий контроль) (РГ НК), Модда ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларнинг стандарт намуналари (РГ СО), Стандарт ахборотли маълумот (РГ ССД), Вақт ва частота (РГ ВЧ) бўйича ишчи гуруҳлар, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро Кенгаш (МГС) ҳамда бошқа мамлакатларнинг метрологик институтлари билан алоқаларни амалга оширади;

“Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳарлардаги синов ва сертификатлаштириш марказлари ва Стандартлар институти томонидан метрология текшируви натижалари бўйича расмийлаштириладиган сертификатлар бланкларини ишлатилишини, сақланишини ва уларнинг реестрлари юритилишини мувофиқлаштиради;

“Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳарлардаги синов ва сертификатлаштириш марказларининг метрология хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда улар томонидан метрологик меъёр ва қоидаларга риоя қилиниши устидан тизимли назоратни таъминлайди;

“Ўзстандарт” агентлигининг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан метрологияга оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари, фармойишлари, Ҳукумат қарорлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан метрология соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган хужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ва уларнинг экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

9. Метрология бошқармаси ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек “Ўзстандарт” агентлигинингхудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлариштироқида амалга оширади.

## **2 §. Метрология бошқармасинингхуқуқлари ва мажбуриятлари**

10. Метрология бошқармаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

“Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратида кўриб чиқиладиган масалалар, шунингдек норматив-хуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни “Ўзстандарт” агентлигинингхудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан сўраш ва олиш;

“Ўзстандарт” агентлигига кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек норматив-хуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун зарурат бўлганда,

“Ўзстандарт” агентлигининг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларивакилларини белгиланган тартибда жалб қилишҳамда эксперт ва ишчи гурухлар ташкил этиш;

“Ўзстандарт” агентлигинингхудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида белгиланган тартибда ийғилишлар ўтказиш;

“Ўзстандарт” агентлигининг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларига жадал ҳал қилиниши талаб этиладиган ва “Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

метрологияга оид қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари, фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, шунингдек “Ўзстандарт” агентлиги хужжат ва топшириқларини “Ўзстандарт” агентлигининг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан бажарилиши юзасидан уларнинг фаолиятини белгиланган тартибда ўрганиш;

метрологияга оид қонун хужжатлари ва норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиша улар юзасидан таклифлар бериш;

“Ўзстандарт” агентлигининг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларига, халқаро метрологик ташкилотларга, хорижий мамлакатларнинг метрологик институтларига, ўлчаш воситаларини ишлаб чиқарувчи марказ ва корхоналарга ўз ходимларини сафарбар қилиш, ўз фаолияти бўйича бошқа мамлакатлардаги ҳамкорларни қабул қилиш;

метрология масалалари бўйича республика вазирлик, идора ва ташкилотлар, халқаро ташкилот, метрологик институтлар билан “Ўзстандарт” агентлиги раҳбарияти орқали ёзишмалар олиб бориш.

#### 11. Метрология бошқармаси мажбуриятлари:

“Ўзстандарт” агентлигинингхудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан биргаликда “Ўзстандарт” агентлиги юкланган вазифа ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

“Ўзстандарт” агентлигининг фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйичамониторинг олиб бориш;

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан метрология соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган хужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ва уларнинг экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;

метрологияни ривожлантириш бўйичаҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва улардаги муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича турли дастурларнинг “Ўзстандарт” агентлигининг худудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан амалга оширилишини ташкил этиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиниши ва риоя этилишини таъминланиши учун жавоб беради.

### 3-боб. Метрология бошқармасининг асосий функционал мажбуриятлари

12. Қўйидагилар Метрология бошқармаси бошлигининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

1) Метрология бошқармаси фаолиятига бошчилик қилиш, метрология оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун хужжатлари билан “Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга риояэтиш;

3) “Ўзстандарт” агентлигиҳайъати қарорлари, “Ўзстандарт” агентлиги бош директори ва унинг ўринбосарининг буйруқ ва топшириқларини ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

4) метрологияга оид масалалар бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш;

5) Метрология бошқармасига тақдим этилган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларинитўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Метрология бошқармаси ходимларини фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

7) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш.

Метрология бошқармаси бошлиғи ўз лавозим йўриқномасига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

13. Қўйидагилар Метрология бошқармаси бошлиғи ўринбосарининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга риояэтиш;

2) “Ўзстандарт” агентлигиҳайъати қарорлари, “Ўзстандарт” агентлиги бош директори ва унинг ўринбосарининг буйруқ ва топшириқларини ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

3) метрологияга оид масалалар бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш;

4) Метрология бошқармасига тақдим этилган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларинитўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш;

5) Жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

6) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш.

7) “Метрология бошқармаси бошлиғи” вактинча бўлмагандан унинг

вазифаларини бажариш;

Метрология бошқармаси бошлиғи ўринбосари ўз лавозим йўриқномасига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

#### **4-боб. Метрология бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарининг жавобгарлиги**

14. “Ўзстандарт” агентлигининг Метрология бошқармаси бошлиғи:

1) Метрология бошқармасига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомда кўзда тутилган Метрология бошқармасининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

15. “Ўзстандарт” агентлигининг Метрология бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

1) Метрология бошқармасига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомда кўзда тутилган Метрология бошқармасининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

#### **5-боб. Метрология бошқармасининг таркибий бўлинмаларининг худудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар биланхамкорлик қилиш тартиби**

16. Метрология бошқармаси “Ўзстандарт” агентлигинингхудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ўз фаолияти йўналишлари бўйича:

1) топшириқларни худудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказади ҳамда уларнинг бажарилиш жараёнини назорат қиласди;

2) таркибий бўлинмаларнинг тўғридан-тўғри фаолияти масалалари бўйича “Ўзстандарт” агентлигинингхудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларига сўровномалар жўнатади ҳамда уларнинг ижросини назорат қиласди;

3) “Ўзстандарт” агентлигинингхудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини текширади ва ўрганади, амалиётини умумлаштиради, уни такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва қабул қиласди;

4) “Ўзстандарт” агентлигинингхудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва натижалари тўғрисида ҳисбот ва ахборот материаллари, статистик ва бошқа маълумотларни ўрганишни ташкил этади;

5) “Ўзстандарт” агентлигинингхудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб

ташкилотларининг иш режаларини таҳлил қиласи, уларнинг фаолиятини режалашибтиришни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

6) “Ўзстандарт” агентлигинингхудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан келиб тушган таклифларни кўриб чиқади;

7) “Ўзстандарт” агентлигинингхудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишини ташкил, улардан келиб тушган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқади.

## **6-боб. Метрология бошқармаси фаолиятини тўхтатиш**

17. Метрология бошқармасини қайта ташкил этиш ва тугатиш “Ўзстандарт” агентлиги томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.